


ТАДДИМ ТИЗИМИДА ИНЖИНИЙ - ГУМАНИТАР ФАНЛАР

2/2011



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

**Таълим тизимида
ижтимоий-гуманитар фанлар**

Илмий-методологик ва илмий-услубий Йилига 4 марта

журнал. 2002 йилда ташкил топган чон этилади

№2 2011

**Социально-гуманитарные
науки в системе образования**

Научно – методологический и научно –
методический журнал. Основан в 2002 году Издается

№2 2011

**Social sciences and the
Humanities in the system of education**

№2 2011

Scientific, methodological and methodical published quarterly
Journal. Established in 2002

Тошкент – 2011

ИҚТІСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК

- Қодиров А., Мансуров О.Б. Акциядорлик жамияти бошқаруви 148
корпоратив бошқарувнинг асосий шаклидир.
- Мансуров О.Б. Акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқаришнинг 150
иктисодий самарадорлиги.
- Утемуратова Г.Х. Бозор иқтисодиёти шароитида инсон омилиниңг 153
такрор ишлаб чиқарип хусусиятлари.
- Туляганов И.Д., Туляганов Г.Э. Агросаноат мажмуаси бошқаруви 156
хусусиятлари.
- Кутлимуродов С.П. Банклар томонидан саноат корхоналарини 158
кредитлашнинг долзарб масалалари.
- Матрўзиев А. Тижорат банкларининг инвестицион кредитлар бериш 160
салоҳиятини ошириш йўллари.
- Холбоев М.А. Хусусий тижорат банкларининг мамлакат банк 163
тизимидағи ўрни.
- Султонова Х. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида олинадиган 166
солик турлари ва солик имтиёzlари.
- Умарходжаева М. Кичик ва хусусий тадбиркорликда рақобат . 168
- Досекеев А. Кичик бизнес субъектларининг тўловга қобиллигини 170
oshiриш уларни кредитлашнинг зарурӣ шартги сифатида.
- Файзиева Н. Мустакиллик шароитида саноат корхоналарининг 172
ривожланиш истиқболлари.

МУРАББИЙ ВА ТАЛАБА

- Кўшибоқова Б. Таълим жараённида ахборот технологияларидан 177
фойдаланишининг аҳамияти.
- Гафуррова Н.М. Академик лицейлар фаолиятини бошқаришда замонавий 179
ахборот технологиялари мазмуни.
- Рахимов Д.Г. Ўқувчиларнинг билим савиясини назорат қилишни авто- 181
матлаштирип электрон ўқув кўлланмаларининг бир элементи сифатида.
- Хафизова Н.Х. Бошлангич синф ўқувчиларини қасб-хунарга йўналтириш 184
мазмуни.
- Нуруллаев О.З. Қасб-хунар коллежи ўқувчиларининг мосламалар 187
ҳақида тушунчаларини ўқув амалиётларида шакллантириш.
- Мурадова Ф.Р. Информатика фанини ўқитилишида дидактика ўйинларни 189
кўллаш асосида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириши.
- Ширматов С.Т. Соғломлаштириш оромгоҳларида болаларининг 192
маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириши.
- Ғуломова А. Дарс жараённида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда 195
фуқаролик тушунчаларини шакллантириши.
- Абдуллаева Н. Бошлангич таълимда синфдан ташқари ўқиш дарслари 197
мазмунини такомиллаштиришнинг педагогик асослари.
- Сапарбаева И. Ўқувчиларда миллий онг ва тафаккурни ривожлантириш 199
механизми.

рагбатлантириш борасидаги кўшумча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан кичик бизнес субъектларини жадал ривожлантиришини янада рагбатлантириш ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини тубдан ошириш мақсадида 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солик, бюджетдан ташқари Пенсия жамгармаси, Республика йўл жамгармаси ва Мактаб таълими жамгармасига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солик тўлоши жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сонли «Тўғридан-тўғри хорижий хусусий инвестицияларни жалб этишини рагбатлантириш борасида кўшумча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига биноан, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоклари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад (фойда) солиги, мулк солиги, ижтимоий инфраузилмани ривожлантириш ва худудларни ободонлаштириш солиги, экология солиги, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солик тўлашдан, шунингдек, Республика йўл жамгармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод килинди.

Буғунги кунда Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилған изчил иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилишида ҳам солик қонунлари ва назарияларидан кенг фойдаланилмоқда. Давлат молиявий сиёсатининг юритилиши ва унинг оқилюна бошқарилишида бу каби қонун-қоидаларнинг ўрни ахамиятли. Давлат солик сиёсати ҳам мана шу дастаклар асосида юритилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир тадбиркор, хўжалик субъекти, иш юритувчи ўз фаолиятини амала оширишда бу қонун-қоидаларни билиши, уларга амал қилиши мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, -Т.: Ўзбекистон», 2001.
2. Каримов И.А. Биз келажатимизни ўз қўлимиз билан курамиз. 7-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1999. (Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда).

Умарходжаева М., ТДИУ

Кичик ва хусусий тадбиркорликда ракобат

В статье говорится о конкуренции в области малого и частного предпринимательства.

In the article there is spoken about a competition in the field of small and private business.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонунга асосан тадбиркорларни фаолият соҳалари, хукуклари, мажбуриятлари ва манфаатларни ҳимоя қилиш давлат томонидан кафолатланиши белгиланган.

жонига янада тубдан қичик армаси, жбурий

ги ПФ-этишни жонига орижий асосий тимоий солиғи, и ягона жбурий сланган эҳотлар 1 кенг җилона т солиқ хар бир ирища

ид. -Т.:

, ТДИУ

астного

nall and

асосан ри ва итан.

Президентимиз ўз маърузаларида “2010 йилда хизмат кўрсатиш ва қичик бизнес соҳасини, аҳоли бандлигини тъзмилаш ва ҳаёт даражасини оширишининг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш – устувор вазифа бўлиб қолади” – деб белгилаб бердилар.

2010 йилда қичик бизнесни янада қўллаб кувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этди. Чунки қичик бизнес янги иш ўринларини яратиб, иш билан банд аҳоли даромадининг 70% дан ортигини ташкил этди. 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва тадбиркорлик йили” деб номланиши эса ўтган йилдаги ишларни изчил давом этириш учун замин яратди. Шунинг учун ҳам бугун иқтисодиётнинг барча тармоқларида қичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига эътибор янада кучайди, тадбиркорлар фаолиятини тубдан ислоҳотлантириш ишлари жадаллаптирилди. Бу ишбилармон ва тадбиркорларга ҳам катта масъулият юклиди. Уларни ўзларининг устида янада кўпроқ ишлашга, бу соҳадаги билим ва малакаларини янада оширишга, ракобат курашида инқирозга юз тутмаслик учун ракобатчилар билан еткама-елка курашнига мажбур килмоқда. Албатта, ракобат бозор муносабатларида ривожланишида, қичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик шаклланишида катта аҳамият касб этади.

Айни вактда ракобат қичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолият кўрсатишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, қичик ва хусусий тадбиркорлик хамда ракобат бир-бирини такозо этади, уларнинг ўзаро тъсири эса милий ҳўжалик ривожланишини тъзмиловчи муҳим омил бўлиб хизмат килади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик ҳалол ракобат муҳити шаклланган шароитда кенг ривожланиади. Ракобат эса қичик корхоналардан йирик корхоналар ўсиб чиқишини тъзмилайди. Ракобат курашида ентиб чиқиш учун ҳамфир бўлиб, техник янгиликлар устида яқдиллик билан ишлаган кам сонли тадбиркорлар жамоасининг кейинчалик молиявий жиҳатдан улкан муваффакиятларга эришган йирик фирмаларга айланиб кетганингига кўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Бугунги кунда бутун дунёга машхур «Хонда», «Форд», «Майкрософт» фирмалари бунга яққол мисолдир.

Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётда бажарадиган вазифаларини таҳлил қилиш муҳим ўринга эга бўлиб, у юкоридаги миқдорий кўрсаткичлар билан биргаликда қичик ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ўрини ва роли тўғрисида батафсил маълумот беради.

Ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 50-67 фоизи қичик ва хусусий тадбиркорлик ҳисобига тўғри келади. Бу кўрсаткич АҚШда 50-52 фоизни, Европа Иттифоқи мамлакатларида 63-67 фоизни, Японияда 52-55 фоизни ташкил қилади. МДҲ мамлакатларида қичик ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ривожланган мамлакатларга нисбатан анча паст бўлиб, Россияда 10-11 фоизга, Ўзбекистонда 34,6 фоизга тенг.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик бандлик муаммосини ҳал этинида муҳим аҳамият касб этади. Бу ерда қичик бизнеснинг классик мамлакатлари ҳисобланган Япония (78 фоиз) ва Италия (73 фоиз) энг юкори кўрсаткичларга

эга. Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг жами бандлар сонидаги улуши бўйича Узбекистон (54,5 фоиз) анча юкори кўрсаткичга эга бўлса, Россияда мазкур кўрсаткич атига 9,6 фоизга тенг, холос.

Бугунги кунда кичик бизнес кенг ривожланмаган замонавий иқтисодиётни тасаввур этиб бўлмайди. У, бир томондан, қандайдир даражада йирик корхоналар билан рақобатда бўлади ва шу нуқтаи назардан иқтисодиётнинг бозор конъюнктураси ўзгаришларига, иқтисодиётни таркибий жиҳатидан кайта куришга ёрдам беради. Иккинчи томондан, кичик ва хусусий корхоналарнинг катта қисми йирик бизнес билан ҳамкорлик қиласди, уларни тўлдиради ва мустаҳкамлайди, уларга хос бўлган техник консерватизмни бартараф этишга кўмаклашади.

Кичик бизнеснинг ривожланиши бозорни истеъмол товарлари ва хизматлари билан тўлдиришга, тармоқ ва худудий монополизмга барҳам беришга ракобат муҳитининг вужудга келиши ва қенгайишига, илмий-техника натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишга, экспорт салоҳиятининг юксалишига ижобий таъсир кўрсатади.

Кичик бизнеснинг яна бир муҳим хусусияти нисбатан кам сарф-харажатлар эвазига янги иш ўринларини яратиши ва шу орқали бандлик муаммосини ҳал этишга ҳисса қўшиши ҳисобланади. Шу билан бирга кичик ва хусусий тадбиркорлик турли ижтимоий гурӯхлар даромадлари ўргасидаги тағовутларни қисқартиришга, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни самарадорлик даражаси юкори бўлган соҳаларга йўналтиришга, иқтисодиётнинг турли секторлари ўргасидаги иқтисодий муносабатларни та-комиллаптиришга ўз ҳиссасини қўшади.

Шундай килиб, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнига баҳо беришда унинг афзалликлари ва салбий жиҳатларини ҳисобга олиш лозим. Унинг аҳамиятини сунъий равишда бўрттириб, йирик бизнеснинг аҳамиятини пасайтириб кўреатиш максадга мувофиқ эмас. Бизнинг фикримизча, кичик ва йирик бизнесни ўзаро боғлиқликда таҳлил қилиш муаммони самарали ҳал этишга олиб келади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, -Т.: Ўзбекистон», 2001.
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. 7-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1999.(Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда).

Досекесев А., КҚДУ

Кичик бизнес субъектларининг тўловга қобиллигини ошириш уларни кредитлашнинг зарурӣ шарти сифатида

В статье рассматриваются вопросы повышения платежеспособности малого бизнеса, необходимости кредитования.
